

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАСОДИКОВА НОДИРА ЮСУБЖОНОВНА**

**НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСТРАКЦИЯ ЖАРАЁНИНИ  
БОШҚАРИШНИНГ НОРАВШАН-ТЎПЛАМ МОДЕЛЛАРИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва  
бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамасодикова Нодира Юсубжонова**

Нефт маҳсулотлари экстракция жараёнини бошқаришнинг норавшан-  
тўшлам моделлари ва алгоритмлари.....3

**Мамасодикова Нодира Юсубжонова**

Нечетко-множественные модели и алгоритмы управления процессом  
экстракции нефтепродуктов.....21

**Mamasodikova Nodira Yusubjonovna**

Fuzzy-multiple models and control algorithms for the extraction of oil  
products.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАСОДИКОВА НОДИРА ЮСУБЖОНОВНА**

**НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСТРАКЦИЯ ЖАРАЁНИНИ  
БОШҚАРИШНИНГ НОРАВШАН-ТЎПЛАМ МОДЕЛЛАРИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш  
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2921.1.PhD/T404 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажаришган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий ажиодиннинг веб-санофасиди ([www.idfu.uz](http://www.idfu.uz)) ҳамда «ZyuzNet» Ахборот таълим порталида ([www.zyuznet.uz](http://www.zyuznet.uz)) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Сиддиқов Исмаилов Хасанович техника фанлари доктори, профессор
Расмий олопонентлар:	Исмаилов Мирхалил Ахтамович техника фанлари доктори, профессор Саидов Маннатқарин техника фанлари номзоли, доцент
Улакчи таъшиқлов:	Тошкент кино-технология институти

Диссертация ҳомоиси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги BSc 03/30 12.2019 Т.03.02 рақамли Илмий ажиодиннинг 2022 йил «15» 07 сано «10» 05 мажлисида бўлиб ўтади. (Манзи: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tda\\_info@dfn.uz](mailto:tda_info@dfn.uz))

Диссертация бири Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида таъшиқчи мумкин (238 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзи: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел: (99871) 207-14-70)

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 12 куни тарқатилди  
(2021 йил «7» 12 даги 12 рақамли реестр бейномаси)



  
Н.Р. Юсубов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

  
У.Ф. Мамиров  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўлими фалсафа доктори (PhD), доцент

  
Ж.У. Севинов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис уриносари,  
т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сўнги йилларда нефт-кимёвий маҳсулотларни олиш, қайта ишлашда асосий эътибор энергия ва ресурс тежамкорлигига эришиш масалаларига қаратилмоқда. Технологик жараёнларни автоматлаштириш соҳасидаги долзарб вазифалардан бири бу бошқарув жараёнининг сифатини яхшилайдиган интеллектуал технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда юқори самарали бошқариш системаларини яратиш ҳамда кам энергия ва ресурс сарфлаган ҳолда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишдир. Бу борада қатор етакчи хорижий мамлакатларда муайян муваффақиятларга эришилган бўлиб, уларда асосан технологик объектларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда технологик жараёнларни бошқариш системаларини такомиллаштиришга, хусусан, нефтни қайта ишлаш корхоналарида интеллектуал технологияларни жорий этиш орқали юқори сифатли нефт маҳсулотларини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Турли ишлаб чиқариш жараёнлари хусусан, нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, у турли хилдаги ташқи ва ички таъсирлар остида бўлади. Ушбу таъсирларнинг ноаниқлиги, технологик параметрларни ўзаро боғлиқлиги бундай жараёнларни бошқариш масаласини ечишни мураккаблаштиради. Шу жиҳатдан, нефт маҳсулотларини экстракция жараёнини интеллектуал технологиялар асосида бошқариш системаларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган нефтни қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштирилган бошқариш системаларини яратишда энергия ва ресурс тежамкор замонавий бошқарув системаларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида қатор вазифалар, жумладан « ... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодиётда, ижтимоий соҳаларда, бошқариш системаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан нефтни қайта ишлаш жараёнларини сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида замонавий технологик воситалардан фойдаланиб, нефт маҳсулотларини экстракциялаш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

жараёнини рақамли бошқариш системасини моделлаштириш ва синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 3 ПҚ-4265 сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш системасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нефтни қайта ишлаш саноатида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-техникавий наشرлар таҳлили ушбу соҳада маълум даражада назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан далолат беради. Бу борада жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан, Toqai Infra Logic, Micro Devices, Honeywell (АҚШ), LIFE халқаро лабораторияси, Mitsubishi Electric, Siemens (Германия), Wescan Agrotexservis (Жанубий Корея) ҳамда олий таълим муассасалари: BISC (АҚШ), Зиген Университети (Германия), Донгук университети (жанубий Корея) ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини бошқариш системаларини ривожлантиришга кўплаб хорижий олимлар, жумладан, R.A.Aliev<sup>2</sup>, A.Zadeh<sup>3</sup> ва бошқалар, ҳамда интеллектуал технологиялар асосида бу жараёнларни бошқариш системаларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича илмий муаммоларни ечишга мамлакатимиз олимларидан Т.Ф.Бекмуратов<sup>4</sup>, Н.Р.Юсупбеков<sup>5</sup>, Ш.М.Гулямов<sup>6</sup>, Х.З.Игамбердиев<sup>7</sup>, Д.Т.Мухамедиева<sup>8</sup> ва бошқалар ўзларини катта хиссаларини қўшганлар.

<sup>2</sup> Алиев Р.А., Алиев Р.Р. Теория интеллектуальных систем. Учебное пособие для ВУЗов по специальности «Автоматизированные системы обработки информации и управления». Баку: Чашыюглы. – 2001. – С.720.

<sup>3</sup> Zadeh L.A. Linear system theory: the state space approach. Courier Dover Publications, 2008. – P. 566.

<sup>4</sup> Бекмуратов Т.Ф. Систематизация задач интеллектуальных систем поддержки принятия решений // Проблемы информатики и энергетики. Ташкент. №4. – 2003.– с.24-35.

<sup>5</sup> Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков Н.А. Интеллектуальные системы управления и принятия решений. –Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 2014. – С.490.

<sup>6</sup> Gulyamov Sh.M., Temerbekova B.M., Bobomurodov N.X. Intelligent control technology, the reliability of the measuring information // Chemical Technology, Control and Management. № 3. – 2018.– pp.128-131.

<sup>7</sup> Igamberdiyev X.Z., Kadirov D.T. Regularized algorithms of adaptive assessment of state of control objects with parametric perturbation account//Chemical Technology, Control and Management. Volume – 2018. Issue 2. – pp.47-52.

<sup>8</sup> Mukhamedieva D.T., Egamberdiyev N. Approaches to solving optimization tasks based on asks based on natural calculation algorithms // Scientific-technical journal. Volume 24. Issue 2. 2020. pp.58-67.

Шу билан бирга, нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг хусусиятларини, нозиклигини ва маълумотларнинг ноаниқлигини ҳисобга олган ҳолда юқори самарали бошқариш системасини яратилиши илмий тадқиқотлар доирасининг домий кенгайиши ва мураккаблашувини талаб этади. Шу муносабат билан нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг замонавий бошқариш усуллари ва ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошқариш системасини синтезлашнинг самарадор моделлари ва алгоритмларини яратиш ва янада такомиллаштириш зарурияти туғилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ИТД-5-36 – “Нефт-кимё қурилма ва мажмуаларини технологик хавфсизлиги мониторингининг ахборот-аналитик интеллектуал тизимини яратиш” (2012-2014) ва А-5-42 – “Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларнинг автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришнинг интеллектуаллаштиришнинг дастурий-аппарат воситаси” (2015-2017) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли ноаниқликлар шароитида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини интеллектуал технологиялар усуллари асосида бошқаришнинг моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

нефт маҳсулотларига ишлов беришда маълумотлар ноаниқлиги шароитида экстракциялаш жараёнининг норавшан-тўплам моделларини яратиш;

экстракциялаш жараёнини норавшан-тўплам моделларига асосланган бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

экстракциялаш жараёнини норавшан-мантқиқий ростлаш системасини синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

яратилган модел ва алгоритмлар асосида экстракциялаш жараёнини автоматлаштирилган бошқариш системасининг дастурий мажмуасини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нефтни қайта ишлаш корхоналаридаги нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг бошқариш системаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нефт маҳсулотларини экстракциялаш технологик жараёнини бошқаришнинг усуллари, моделлари ва алгоритмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, математик ва имитацион моделлаштириш, интеллектуал бошқариш ва автоматик бошқариш назариялари усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

динамик объектларни бошқариш жараёнини интеллектуаллаштиришнинг математик асоси бўлган нейрон тармоқлар ва норавшан-мантқиқ негизида нефт

маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг норавшан-мантикий гибрид моделлари ишлаб чиқилган;

турли структурали нейрон тармоқ моделларини қуриш имконияти билан фарқ қилувчи умумлашган-регрессион нейрон тармоқнинг адаптив ўқитиш алгоритми ишлаб чиқилган;

нефт маҳсулотлари экстракциялаш жараёнини хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда норавшан-мантикий ростлагичнинг структураси ва оптимал параметрларини автоматлаштирилган аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

объект хоссаси ва ташқи таъсирларнинг ноаниқлиги шароитида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг технологик параметрларини норавшан-мантикий бошқариш системасини синтезлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мойлар олишда экстракторнинг иш режимларини бошқаришнинг энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш имконини берувчи интеллектуаллаштирилган бошқариш системаси ишлаб чиқилган;

экстракциялаш технологик жараёни автоматлаштирилган бошқариш системасининг махсус дастурий-аппарат воситалари ишлаб чиқилган;

экстракциялаш жараёнини квазиоптимал технологик режимларини таъминлаш имконини берувчи норавшан-мантикий бошқариш системасининг функционал схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотнинг ишончилиги назарий асосланган, динамик объектларни автоматик бошқариш ва тажриба усулларида тўғри фойдаланилганлиги, таклиф этиладиган бошқариш моделлари ва алгоритмларининг белгиланган даражада мослиги, апробация қилинган замонавий бошқариш назарияси усуллари кўлланилиши, назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мослиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти технологик объектларни бошқариш жараёнини ноаниқлик шароити ва ишлаб чиқариш вазиятининг аниқ эмаслик шароитида фаолият кўрсатувчи динамик объектларнинг бошқариш системаларини автоматлаштирилган тадқиқ қилишнинг усуллари, моделлари ва алгоритмларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг статик ва динамик тавсифларини ҳисобга олган ҳолда экстракторнинг такомиллаштирилган норавшан-мантикий бошқариш системасини синтезлашнинг математик ва алгоритмик таъминотини яратишдан иборат бўлиб, у узлуксиз характерли технологик жараёнларни рақамли бошқариш системасини лойиҳалашнинг дастурий воситасини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг рақамли норавшан-мантикий бошқариш системасини синтезлаш натижалари асосида:



нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг такомиллаштирилган бошқариш системасини тадқиқ қилишнинг норавшан-тўплам моделлари ва алгоритмлари “Чиноз НКҚИЗ”да жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 16 июндаги 28-1/686 - сон маълумотномаси). Натижада, ахборотларни қайта ишлаш вақтини 1,2 % га камайтириш ҳисобига, жараёни бошқаришда натижаларни олиш ва қарор қабул қилишнинг тезлигини 1,6 % га ошириш имконини берган;

тозаланган мой олиш жараёнининг технологик параметрларини оптимал қийматларини таъминловчи рақамли бошқариш системаси Чиноз НКҚИЗда жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 16 июндаги 28-1/686- сон маълумотномаси). Натижада, “Чиноз НКҚИЗ”да экстракторнинг ҳарорат режимини номинал қийматдан оғиши 2,2 % га камайтириш имконини берган;

нейро-норавшан технологияларни қўллаш асосида экстракциялаш жараёнини асосий бошқарилувчи параметрларини технологик регламентга мос равишда ушлаб туришни таъминловчи микроконтроллерли бошқариш системаси “Чиноз НКҚИЗ”да жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 16 июндаги 28-1/686- сон маълумотномаси). Натижада, фенол суюқлиги сарфини 0,7 % га ҳамда энергия сарфини 1-2 % га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан - Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилиб, ЭҲМ лар учун дастурий маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган 2 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Нефт маҳсулотлари экстракция жараёни бошқариш муаммоларининг ҳозирги ҳолати”** номли биринчи бобида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг хусусиятлари, жараёнда содир

бўладиган физикавий-кимёвий ҳодисалар ва жараёнга таъсир қилувчи асосий омиллар тизимли таҳлил қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, нефт маҳсулотларини экстракциялаш мураккаб жараён бўлиб, у узлуксиз характерга эга ҳамда турли ташқи таъсирлар остида бўлади. Экстракциялаш жараёнини маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий факторларга хомашё, фенол суюқлиги ва берилётган буғ сарфи, хомашёнинг фенол суюқлигига қарралиги, жараён ҳарорати, босими ва бошқалар киради. Олинаётган мойнинг зарурий физикавий-кимёвий ва фойдаланиш хусусиятларига эришиш учун асосан фенол-хомашёнинг оптимал муносабатини амалга ошириш зарур. Шунингдек, нефт маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиши учун экстракция колоннасининг гидродинамик ва ҳарорат режимларини оптимал қийматда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Экстракциялаш жараёнида содир бўлаётган физикавий-кимёвий реакцияларни талаб даражасида бориши учун хомашё ва берилётган буғнинг сарфи ҳамда тозаловчи кимёвий қўшимчалар (фенол суюқлиги) сарфи асосий роль ўйнайди. Экстракциялаш жараёни нормал содир бўлиши учун регламент бўйича экстрактор ҳарорати ўртача – 70-85 °С, босим – 20-25 кг\*куч/см<sup>2</sup>, сатх – 70-80 % ва фенол суюқлиги сарфи – 600-700 кг/м<sup>3</sup> қилиб белгиланган.

Ҳозирда нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини мавжуд бошқариш системаси асосан технологик регламент асосида хомашё ва буғ оқими сарфини стабил ушлаб туриш учун хизмат қилади. Бу эса юқори сифатли маҳсулот олиш имконини бермайди, чунки мавжуд локал автоматик бошқариш системалари жараёнга таъсир қилувчи барча факторларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ва ўзгарувчиларнинг ноаниқлигини ҳисобга олиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун экстракциялаш жараёнида содир бўладиган турли хил ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда интеллектуал технологиялар усуллари асосида юқори сифатли бошқариш системасини яратиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш ноаниқлик шароитида технологик объектларни бошқариш жараёнининг интеллектуаллаштириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан дастлаб экстракциялаш жараёнининг концептуал ахборот модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Жараённинг ахборот-концептуал модели

Бунда экстракциялаш жараёнини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги ўзгарувчилар аниқлаб олинди:

- бошқариш параметрлари –  $U = \{U_{\text{фс}}, U_{\text{фх}}, U_{\text{нмс}}, U_{\text{нмх}}, U_{\text{тмз}}\}$ ; бу ерда  $U_{\text{фс}}$  - фенол суюқлиги сарфи,  $U_{\text{фх}}$  - фенол ҳарорати,  $U_{\text{нмс}}$  - нефт маҳсулоти сарфи,  $U_{\text{нмх}}$  - нефт маҳсулоти ҳарорати,  $U_{\text{тмз}}$  - нефт маҳсулоти зичлиги;

- чиқиш параметрлари –  $Y = \{t^0, Q_{\text{т.м.м.}}, U_{\text{эмз}}\}$ ; бу ерда  $t^0$  - экстрактор ҳарорати,  $Q_{\text{т.м.м.}}$  - экстракцияланган мой миқдори,  $U_{\text{эмз}}$  - экстракцияланган мой зичлиги;

- ташқи таъсирлар –  $F = \{f_{\text{х.к.}}, f_{\text{э.ж.т.}}, f_{\text{т.м.ў.}}, f_{\text{тмк}}\}$  бу ерда  $f_{\text{х.к.}}$  - хомашёнинг концентрацияси,  $f_{\text{э.ж.т.}}$  - экстракция жараёнининг тезлиги,  $f_{\text{т.м.ў.}}$  - ташқи муҳитни ўзгариши,  $f_{\text{тмк}}$  - тозаланадиган мойнинг қовушқоклиги.

Экстракциялаш жараёнининг концептуал ахборот моделини назарий-тўплам кўринишида қуйидагича ёзиб олиш мумкин:

$$\text{ЭТЖ} = \{U, X, Y, F\}; U = \{U_{\text{фс}}, U_{\text{фх}}, U_{\text{нмс}}, U_{\text{нмх}}\}$$

$$Y = \{t^0, Q_{\text{т.м.м.}}\}; F = \{f_{\text{х.к.}}, f_{\text{э.ж.т.}}, f_{\text{т.м.ў.}}, f_{\text{тмк}}\}.$$

Экстракциялаш жараёнининг ишлаб чиқилган ахборот-концептуал модели юқори самарали бошқариш системасини яратиш учун хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Нейро-норавшан технология асосида нефт маҳсулотлари экстракция жараёнининг математик тавсифи”** номли иккинчи боби назарий-тўплам концепцияси асосида ноаниқ шароитларда нефт маҳсулотларини экстракциялаш системаси динамикасининг моделларини қуриш, моделлар тузилишини тавсифлаш ҳамда норавшан-мантиқ ва нейрон тармоқларининг гибридли қўлланилиши асосида экстракция жараёнининг математик моделини ишлаб чиқишга бағишланган.

Маълумки, экстракторда нефт маҳсулотларини экстракциялашда масса алмашинув жараёни содир бўлади. Бунда экстракциялаш колоннасидаги фазавий мувозанат  $\sum_{i=1}^C y_{ij} = 1$ ,  $\sum_{i=1}^C x_{ij} = 1$ , шарт бўйича қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$y_{ij} = K_{ij} x_{ij},$$

бу ерда  $K_{ij}$  –  $j$  – ликопчадаги нефт маҳсулотининг  $i$  -компонентасини фазавий мувозанат константаси;  $x_{ij}$  –  $j$ -ликопчага тушаётган нефт маҳсулоти суюқ фазасининг  $i$  - компонентасининг концентрацияси;  $y_{ij}$  –  $j$ -ликопчадан чиқаётган нефт маҳсулоти суюқ фазанинг  $i$  - компонентанинг концентрацияси.


Нефт маҳсулотлари экстракция жараёнининг материал баланс тенгламалари Генри қонуниятини бажарилишини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тенгламалар системаси билан тасвирланади:

$$0 < z < l, \quad \frac{\partial C_1}{\partial t} = -V \frac{\partial C_1}{\partial z} - R_1(C_1 - EC_2);$$

$$\frac{\partial C_2}{\partial t} = f(u) \frac{\partial C_2}{\partial z} - R_2(C_1 - EC_2),$$

бу ерда  $C_1$ ,  $C_2$  - тозаланган ва тозаланмаган мой компонентлари,  $E$  – мой компонентларини концентрацияларининг мувозанатлари,  $V$  – компонентлар ажралиш тезлиги,  $f(u)$  - ночизикли характерли бошқариш сигнали,  $z$  –экстрактордаги аралашма баландлиги,  $R_1$ ,  $R_2$  – ўзгармас коэффициентлар бўлиб, улар фазалар ажралишининг физик хоссалари ва экстракция колоннасининг геометрик хусусияти орқали аниқланади,  $l$  – экстрактор баландлиги.

Бунинг асосида экстракторда содир бўладиган масса алмашинув жараёнини математик моделини структуравий схемаси ишлаб чиқилган(2-расм):



2-расм. Экстракциялашда бошқарилувчи масса алмашинуви жараёнининг математик модели

Ишлаб чиқилган аналитик моделни ечиш орқали технологик жараённинг боришини ва экстракторнинг оптимал иш режимларини аниқлаш мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда экстракциялаш технологик жараёнининг динамикасини назарий тўплам кўринишида қуйидагича учлик сифатида ифодалаш мумкин:

$$TЖ = (M^{TV}, R^M, S),$$

бу ерда:  $M^{TV} = \{M_1^{TV}, M_2^{TV}, \dots, M_n^{TV}\}$  - технологик ускуналар ва агрегатларнинг тўплам моделлари;  $R^M$  - объектлар орасидаги алоқалар тўплами;  $S$  - объектларнинг ҳолатлари тўплами.

Ҳар қандай технологик жараённинг ишлашини маълум бир  $[t_0, t_k]$  вақт оралиғида  $S_t \in S = \{S_1, S_2, \dots, S_n\}$  ҳолатларнинг ўзгариш кетма-кетлиги деб ҳисоблаш мумкин. Вақтнинг ҳар бир  $t^* \in [t_0, t_k]$  лаҳзасидаги технологик жараённинг ҳолати  $Y_{t^*} = \langle Y_i^{TJK}, Y_j^{TY}, Y_1^{BC} \rangle$  параметрлар тўплами билан тавсифланади: бу ерда:  $Y_i^{TJK}, i = \overline{1, I}$  - берилган жараён технологияси ҳолатининг параметрлари;  $Y_j^{TY}, j = \overline{1, J}$  - ускуналар ҳолатининг параметрлари;  $Y_1^{BC}, i = \overline{1, L}$  - бошқариш системалари ҳолатининг параметрлари.

$\{Y_i^{TJK}, Y_j^{TY}, Y_1^{BC}\}$  тўплам параметрларига қараб технологик жараённинг нормал ишлашига  $\Psi\{\overline{Y^{TJK}}, \overline{Y^{TY}}, \overline{Y^{BC}}\} \leq 0$  чекловлар қўйилиши мумкин.

Жараёнларни бошқариш системаларини ишлаб чиқишда асосий эътибор ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш таъсирини ишлаб чиқишнинг юқори самарали усулларини яратиш ҳисобланади. Бу муаммони ечиш учун мураккаб ноаниқлик шароитларида ишловчи системаларнинг фаолияти ва ташқи муҳит хусусиятларининг ўзгариши, шунингдек ғалаён ва ҳалақитларнинг специфик таъсирларини ҳисобга олиш имконини берувчи жараённи бошқаришнинг норавшан-тўплам модели ишлаб чиқилди.

Бунда экстракциялаш жараёнини бошқариш системасининг динамикасини ҳолат тенгламалари кўринишида қуйидагича ёзиш мумкин:

$$x_{k+1} = F(x_k, u_k), k = \overline{0, N}; x_k \in X, u_k \in U,$$

бу ерда  $X$  – ҳолат фазоси,  $U$  - мумкин бўлган бошқариш тўплами,  $F$  – ҳолатнинг ўтқинчи функцияси, умумий ҳолда чизиксиз кўринишда бўлади:

$$F : X \times U \rightarrow X.$$

Турли кўринишдаги ноаниқликка эга динамик системанинг ўтқинчи функцияси норавшан муносабат кўринишида қуйидагича ёзилади:

$$F : X \times U \times X \rightarrow [0, 1].$$

Бунда тўлиқ аниқланмаган коэффицентлар ва жараёнга таъсир қилувчи барча катталиқлар тегишлилик функцияси  $\mu(x_{k+1}/x_k, u_k)$  орқали ифодаланади.

Бу ҳолда динамик объектларни моделлаштириш алгоритминини қуйидагича кўринишда ифодаланиши мумкин:

$$M = \langle I, P, \Phi, X, Y, \Omega \rangle,$$

бу ерда  $I$  – модел идентификатори;  $P = P(x_1, x_2, \dots, x_n)$  –  $X$  тўпламда аниқланган бир ўринли мантиқий предикат  $\Phi : X \rightarrow Y(XUY = Z)$  – моделлаштирилаётган алгоритмнинг бир қанча хоссалари мажмуини ифодаловчи тасвир;  $X = \{x_1, x_2, \dots, x_n\}$  – ҳисоблаш моделининг кириш ўзгарувчилари;  $Y = \{y_1, y_2, \dots, y_n\}$  – ҳисоблаш моделининг чиқиш ўзгарувчилари;  $Z = \{z_1, z_2, \dots, z_n\}$  – ўзгарувчилар мажмуи;  $\Omega$  –  $X$  аниқловчилар ва  $Y$  қийматлар яъни  $\Omega = \{X, Y\}$  жуфтлиги соҳаси билан берилувчи моделни қўллаш соҳаси.

У ҳолда бошланғич модел компонентлари элементар модел компонентлари орқали қуйидагича ифодаланади:

$$M = \{m_i\}, \Phi = \{f_i\}, i \in [1, N_m]; (\forall_x) P(X) \leftrightarrow [P_1(X_1) \wedge P_2(X_2) \wedge \dots \wedge P_{N_m}(X_{N_m})];$$

$$X = \bigcup_{i=1}^{N_m} X_i; Y = \left( \bigcup_{i=1}^{N_m} Y_i \right) / X; Z = \bigcup_{i=1}^{N_m} Z_i; \Omega = P_Z Z_i(\Omega), i = 1, 2, \dots, N_m,$$

$P_Z Z_i(\Omega)$  - компонентлари вектори  $Z_i$  бўлган гиперюзага  $\Omega$  тўпламнинг проекцияси.

Таклиф этилган бу усул объект ҳолати ностационар ва ташқи омиллар ноаниқлиги шароитида бошқариш моделини яратиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини нейрон тармоқ ростлаш системасининг синтезлаш алгоритмлари”** номли учинчи бобида бошқариш системаларининг нейрон тармоқ моделларини қуриш ва уларнинг оптимал параметрларини аниқлаш, нейрон тармоқларни ўқитиш, адаптациялаш ва улар асосида нейрон тармоқли ростлаш системасини синтезлаш алгоритмлари келтирилган.

Қаралаётган бошқариш системаси кўп ўлчамли, ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда жараёнга таъсир қилувчи факторларнинг таъсирини ноаниқлиги синтезлаш масаласини ечишда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бу хусусиятларни ҳисобга олиш имкониятини берувчи норавшан-тўплам назариясига асосланган ҳолда бошқариш системасини синтезлашда қўлланиладиган тармоқ функциянинг структурасини танлаш, унинг вазнларини оптимал қийматларини топиш масалалари муҳим рол ўйнайди. Бунда моделнинг реал объект билан адаптациялаш масаласи асосий вазифалардан биридир.

Моделга реал бошқариш системасига адаптациялаш хоссасини бериш учун ҳар қандай ночизиқли функцияларни ихтиёрий аниқлик билан аппроксимация хусусиятларига эга бўлган умумлашган-регрессион нейрон тармоқдан фойдаланиш таклиф этилди. Бунда, объект қуйидаги кўринишга келтириб олинади:

$$x(k+1) = Ax(k) + Bf[u(k), u(k-1), \dots, u(k-m+1)], y(k) = Cx(k),$$

бунда:  $f[\cdot]$ - силлиқ ночизиқли функция  $\frac{\partial f}{\partial u(k+1)} = 0; \frac{\partial f}{\partial u(k)} \neq 0,$

$A, B$  - матрицалар;  $x$  - жараён ҳолати;  $k$  - тактлар қиймати;  $y$ -чиқиш қиймати;  $m$  - вақт;  $C$  - чиқиш вектори.

Нейро-фаззи тармоқ асосида ночизиқли аппроксиматор ишлаб чиқилган бўлиб, у битта локал моделдан иккинчисига силлиқ ўтишни таъминлайди ва такрорий ўқитишни талаб қилмайди.

Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг нейрон тармоқ моделини қуриш қуйидаги босқичлардан иборат:

- биринчи ва энг муҳим қадам ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи асосий омилларни, шунингдек моделнинг вектор координаталарини жараёнининг ўзига хос функционал ва ташкилий тузилишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш

мақсади билан экстракция жараёнини физикавий-кимёвий хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади;

- нейрон тармоқни ҳисоблаш самарадорлиги активация функцияси шаклига, қатламлардаги нейронлар сони ва қатламлар орасидаги структуравий боғланишга боғлиқ.

Экстракциялаш жараёнининг бошқариш системасини таклиф этилган умумлашган-регрессион тармоғи ёрдамида ифодалаш фақатгина битта оралик қатлам орқали ихтиёрий ночизикли функцияни моделлаштириш имконини беради. Шунингдек жараённинг моделини қургунга қадар тармоқ қатламлари, улардаги нейронлар сони ва уларнинг ўзаро боғланишларини танлаш орқали билимлар базаси шакллантирилиши ҳамда ростлагичнинг оптимал параметрларини ҳисоблаш мумкин.

Тармоқнинг чиқиш қатламидаги параметрлар чизикли комбинациясини оптималлаштириш учун чизикли дастурлаш усулларидадан фойдаланиш мумкин (масалан, градиентлар усули). Умумлашган-регрессион нейрон тармоқнинг кириш қатлами радиал базис элементлардан иборат бўлиб, у қуйидаги муносабатга мувофиқ ночизикли боғлиқликларни амалга оширади:

$$O_r = \varphi_r \left( \vec{x} \right) = \varphi \left( \frac{\left\| \vec{x} - \vec{c}_r \right\|}{\lambda_r} \right),$$

бу ерда  $O_r$  - нейрон тармоқнинг  $r$ -қатламидаги чиқиш сигналларининг қиймати;  $\vec{x}$  - нейрон тармоққа бериладиган кириш сигналларининг қийматлари;  $\lambda_r$ ,  $\vec{c}_r$  - ўқитиш жараёнида созланадиган нейрон тармоқ параметрлари.  $\varphi(\cdot)$  Гаусс функцияси. Нейрон тармоқнинг чиқиш қатламидаги сигналларни йиғиш жараёни оралик қатламда амалга оширилиб қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$u = \frac{\sum_{r=1}^M O_r \cdot w_r}{\sum_{r=1}^N O_r},$$


бу ерда  $w_r$  - ўқитиш жараёнида созланадиган вазнларнинг коэффицентлари  $M$  - биринчи қатламдаги нейронлар сони,  $u$  - нейрон тармоқнинг чиқиш сигнали, яъни ростлагични бошқариш сигнали.

Умумлашган-регрессион нейрон тармоғида нейронларнинг биринчи ва иккинчи қатламлари учун фаоллаштириш функцияси сифатида сигмоидал функция, чиқиш қатлами учун эса чизикли кўринишдаги функция танлаб олинди (3-расм).

Жараён хақидаги маълумотлар норавшан-мантиқ алгоритмлари асосида олинади. Кириш ва чиқиш сигналлари орасидаги муносабат сигмоидал кўринишдаги тегишлилик функциялари орқали ўрнатилади:

$$y = \frac{1}{1 + e^{-b_i x_i}}, \quad (1)$$

бу ерда  $b$  – сигмоидал функциянинг оғиш коэффициентлари (вазни).



3-расм. Simulink системасидаги умумлашган-регрессион нейрон тармоқ тузилиши

Сигмоидал функция ҳосиласи қуйидагича ифодаланади:

$$y' = b_i y_i (1 - y_i). \quad (2)$$

(1) ва (2) вазнга эга бўлган кириш сигналлари кўпайтмаси ўзаро боғлиқликни ҳосил қилади:

$$n_1 = x_1 b_1, n_2 = x_2 b_2. \quad (3)$$

Хусусий ҳосилалар агрегация блокида тўпланиб, нейрон тармоқнинг чиқиш сигнаolini ҳосил қилади:

$$y_i = f\left(\sum_{r=1}^n n_r\right) = f(x_1 b_1 + x_2 b_2). \quad (4)$$

Ўқитиш жараёнида мақсад функцияси олинган қийматлар ва  $i$ -қадамда берилган  $y_i$  қиймат орасидаги фарқ билан белгиланади:

$$P_i = \frac{1}{2} (y_i - y_{mon})^2 \rightarrow \min. \quad (5)$$

Бундай ҳолда, хатоликнинг умумий қиймати:

$$P = \sum_{i=1}^n P_i. \quad (6)$$

(5) ва (6) формулалар бўйича аниқланадиган ўқитиш хатолиги,  $(b_1, b_2)$  бўлган вазн векторига боғлиқ

$$b := b - v P_i(b), \quad (7)$$



бу ерда  $\nu - [0,1]$  интервалдаги нейрон тармоқни ўқитиш тезлиги;  $P_i(b)$  – нейрон тармоқнинг эталон қиймати ва чиқиш қиймати орасидаги фарқ.

Сигмоидал функция (2) ҳосиласи ифодасига (7) ни қўйиб, қуйидагини оламиз:

$$P_i(b) = \frac{d}{2db} \left( \frac{1}{2} (y_{mon} - y_i)^2 \right) = -y_i (y_{mon} - y_i) (1 - y_i) x_i.$$

У ҳолда ўқитиш жараёни кейинги босқичларнинг ҳар бирида янги вазн олиш ифодаси билан белгиланади

$$b := b + \nu \delta_i x_i; \quad \delta_i = y_i (y_{mon} - y_i) (1 - y_i).$$

Ўқитиш жараёнида, шу вақтгача нейро-норавшан тармоқда олинган қиймат белгиланган қийматга тенг бўлмагунча, ифода ёрдамида чиқадиган параметрнинг тегишлилик функциясининг янги шартларини шакллантирилади.

$$\frac{dE_t}{dw_{jp}} = \varepsilon_1 \varepsilon_2 \varepsilon_3 \frac{d\mu^{d_j}(y)}{dw_{jp}}, \quad \frac{dE_t}{dw_i^{jp}} = \varepsilon_1 \varepsilon_2 \varepsilon_3 \varepsilon_4 \frac{d\mu^{jp}(x_i)}{dc_i^{jp}}, \quad \frac{dE_t}{db_i^{jp}} = \varepsilon_1 \varepsilon_2 \varepsilon_3 \varepsilon_4 \frac{d\mu^{jp}(x_i)}{db_i^{jp}},$$

$$\text{бу ерда } \varepsilon_1 = \frac{dE_t}{dy} = y_t - \hat{y}_t, \quad \varepsilon_2 = \frac{dy}{d\mu^{d_j}(y)} = \frac{\bar{d} \sum_{j=1}^m \mu^{d_j}(y) - \sum_{j=1}^m \bar{d}_j \mu^{d_j}(y)}{\left( \sum_{j=1}^m \mu^{d_j}(y) \right)},$$

$$\varepsilon_3 = \frac{d\mu^{d_j}(y)}{d\left( \prod_{i=1}^n \mu^{jp}(x_i) \right)} = w_{jp}, \quad \varepsilon_4 = \frac{d\left( \prod_{i=1}^n \mu^{jp}(x_i) \right)}{d\mu^{jp}(x_i)} = \frac{1}{\mu^{jp}(x_i)} \prod_{i=n}^n \mu^{jp}(x_i),$$

$$\frac{d\mu^{d_j}(y)}{dw_{jp}} = \prod_{i=1}^n \mu^{jp}(x_i), \quad \frac{d\mu^{jp}(x_i)}{dc_i^{jp}} = \frac{2c_i^{jp}(x_i - b_i^{jp})^2}{\left( (c_i^{jp})^2 + (x_i - b_i^{jp})^2 \right)^2},$$

$$\frac{d\mu^{jp}(x_i)}{db_i^{jp}} = \frac{2c_i^{jp}(x_i - b_i^{jp})^2}{\left( (c_i^{jp})^2 + (x_i - b_i^{jp})^2 \right)^2}.$$

Умумлашган-регрессион нейрон тармоғидан фойдаланиш уни ўқитиш жараёнига сарфланадиган вақтни сезиларли даражада камайтириш ва норавшан қоидалар базасини янгича шакллантириш ҳамда маълумотларга ишлов беришнинг янги усулига ўтишга имкон беради.

Маълумки, жараёни бошқаришда нейрон тармоқлардан фойдаланилганда тегишлилик функциясини параметрларини аниқлаш муаммоси келиб чиқади. Диссертация ишида тегишлилик функцияси

сифатида сигмоидал функцияси олинб, унинг хусусиятларига асосланган ҳолда трансцендент тенгламалар системаси тузилади:

$$\begin{cases} \frac{1}{1+e^{-a(x_3-b)}} = 1, \\ \frac{1}{1+e^{-a(x_4-b)}} = 0; \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} e^{-a(x_3-b)} = 0, \\ e^{-a(x_4-b)} = -1, \\ 1+e^{-a(x_4-b)} \neq 0; \end{cases}$$

Шубҳасиз, бу тенгламалар системаси номувофикдир, чунки

$$e^{-a(x_3-b)} > 0 \forall a, b \in (-\infty; +\infty) \text{ ва } e^{-a(x_4-b)} > 0 \forall a, b \in (-\infty; +\infty).$$

$f_{z_3}(x_3) = 1 - \Delta$  ва  $f_{z_3}(x_4) = 1 - \Delta$  ҳол учун тенгламалар системаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} \frac{1}{1+e^{-a(x_3-b)}} = \Delta, \\ \frac{1}{1+e^{-a(x_4-b)}} = \Delta. \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} a = \frac{2 \ln \frac{\Delta}{1-\Delta}}{x_4 - x_3}, \\ b = \frac{x_3 + x_4}{2}. \end{cases}$$

Бу ҳолда сигмоидал кўринишдаги функция қуйидаги кўринишга келтирилади:

$$f_{z_3}(x, a, b) = \frac{1}{1+e^{a(x-b)}}; \quad a = \frac{2 \ln \frac{\Delta}{1-\Delta}}{x_4 - x_3}; \quad b = \frac{x_3 + x_4}{2}.$$

Ушбу муносабатлар асосида нейрон тўрининг ҳар бир қатлами учун тегишлилик функциясининг шакли ва параметрлари аниқланади. Сўнгра дефаззификациялаш операцияси бажарилиб, нейрон тўрнинг чиқиш сигнали, яъни ростлагич ишлаб чиқадиган бошқариш сигнали қуйидагича топилади:

$$U = \frac{az_1 + bz_2}{a + b}.$$

Бу ерда  $z_{i+1} = z_i + v(y - y_{mm})$ ,  $v$ - ўқитиш тезлиги.

Ушбу келтирилган муносабатлар асосида бошқариш объектига қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб берадиган бошқариш системасини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг «**Экстракция жараёнини норавшан-тўплам моделлари ва алгоритмларининг амалий тадбиқи**» деб номланган тўртинчи бобида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг муҳим технологик параметрлари, яъни экстракторнинг ҳарорати ва фенол суюқлигининг сарфини ростлаш системасини синтезлашда яратилган норавшан-тўплам моделларини ва алгоритмларини қўллаш натижалари келтирилган.

Экстракциялаш жараёнининг ҳароратини турли ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолда ишлаб чиқилган норавшан-тўплам ва бошқариш алгоритмларининг самарадорлигини баҳолаш учун Matlab дастурида экстрактор параметрларини норавшан-манتيқий ростлаш системасининг имитацион модели қурилган ҳамда ташқи таъсирлар мавжуд бўлганда бир қатор ҳисоблаш

тажрибалари ўтказилган. Бунда тажриба натижасида олинган маълумотларни аппроксимациялаш орқали объектнинг узатиш функциялари топилган. Улар «хомашё сарфи – фенол суюқлигининг сарфи» ва « фенол суюқлигининг ҳарорати – экстрактор ҳарорати» ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди.

$$W^{F-\gamma}(s) = \frac{0,91}{(0,68s + 1)}; \quad W^{O\gamma}(s) = \frac{1,39e^{-0,21s}}{(1,27s + 1)(1,9s + 1)}$$

Дастлаб кириш-чиқиш лингвистик ўзгарувчилари асосида тегишлилик функцияси шакллантирилди, уларнинг оптимал параметрлари аниқланди ва норавшан-мантиқий чиқишнинг қоидалар базаси ишлаб чиқилди (1-жадвал).


Лингвистик ўзгарувчилар сифатида қуйидагилар олинган: “фенол суюқлиги сарфининг ўзгариши” А1, “хомашё сарфининг ўзгариши” А2 “экстрактор ҳароратини ўзгариши” В1, “фенол суюқлигининг ҳароратини ўзгариши” В2.

Норавшан-мантиқий чиқишнинг қоидалар базаси

1-жадвал

Экстрактор ҳароратини ўзгариши	Ҳарорат $t^\circ$			
	Ўта юқори	Юқори	Ўртача	Паст
Ўта юқори	$A_3, B_3$	$A_3, B_3$	$A_2, B_3$	$A_2, B_3$
Юқори	$A_3, B_3$	$A_2, B_3$	$A_2, B_2$	$A_1, B_2$
Ўртача	$A_3, B_2$	$A_2, B_2$	$A_1, B_2$	$A_1, B_1$
Паст	$A_3, B_2$	$A_2, B_1$	$A_1, B_1$	$A_1, B_1$

4-расмда мавжуд бошқариш системаси ва синтезланган норавшан-мантиқий ростлаш системасидаги имитация ўтказиш натижасида олинган ўткинчи жараён графиклари кўрсатилган.



4-расм. Норавшан-мантиқий бошқариш системасидаги ўткинчи жараёнлар

Ўтиш жараёни графигидан кўриниб турибдики, қўзғалтирувчи ташқи таъсир мавжуд бўлганда норавшан ростлагичли бошқариш системаси барқарор

ишлайди ва бошқариш объектини бир ҳолатдан иккинчисига етарлича тезликда ўтказди. Имитацион тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ташқи ғалаёнлар ноаниқлиги шароитида норавшан-мантиқий ростлагичли бошқариш системаси ўзининг барқарорлигини ва бошқарувнинг талаб қилинадиган сифатини таъминлайди.

Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини бошқаришда ишлаб чиқилган норавшан-мантиқий бошқариш системасини қўлланилиши натижасида “Чиноз НКИЗ”да экстракторни ҳарорат режимининг номинал қийматидан оғиши 2,2 % га камайишига эришилган, бу эса ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада оширишга олиб келади.

## ХУЛОСА

Диссертацияда тизимли таҳлил, автоматик ва интеллектуал бошқариш назарияси усуллари асосида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини норавшан-мантиқий бошқариш системасини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Тадқиқот ниҳоясида қуйидаги илмий натижалар олинди:

1. Назарий-тўплам концепцияси асосида нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг норавшан-тўплам модели ишлаб чиқилган. Бу ноаниқликлар шароитида экстракциялаш жараёнининг динамик хоссаларини ягона математик восита асосида шакллантириш имконини беради.

2. Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнининг технологик ва физикавий-кимёвий хоссаларини таснифловчи ахборот-концептуал модели ишлаб чиқилди. Бу эса ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда жараёнига оптимал бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш асосида юқори самарадорликка эга бошқариш системасини яратиш имконини беради.

3. Экстракциялаш жараёнини норавшан-мантиқий умумлашган-регрессия нейрон тармоқ шаклдаги гибрид модели ишлаб чиқилиб, у экстракциялаш жараёнини интеллектуаллаштирилган бошқаришнинг математик асоси бўлиб хизмат қилади.

4. Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёни умумлашган-регрессия нейрон тармоқ модели структураси ва параметрларини синтезлашнинг алгоритми ишлаб чиқилди. Алгоритм тармоқни ўқитишнинг янги усулига ўтиш ва норавшан қоидалар базасини шакллантиришни қулайлаштиради.

5. Нефт маҳсулотларини экстракциялаш жараёнини хусусиятлари асосида норавшан-мантиқий ростлагичнинг структурасини танлаш ва оптимал параметрларни ҳисоблашнинг юқори тезкорликка эга алгоритми ишлаб чиқилди. Буни амалиётга тадбиқ этиш натижасида экстрактор ҳароратини номинал қийматидан оғишини 2,2 % га камайитиришга эришилди.

6. Ташқи таъсирларнинг ноаниқлиги шароитида нефт маҳсулотларини экстракциялаш технологик жараёнининг нейрон тармоқли бошқариш системаси ишлаб чиқилди. Ушбу системани тадбиқ қилиш фенол суюқлиги сарфини 0,7 % га ҳамда энергия сарфини 1-2 % га камайитириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**МАМАСОДИКОВА НОДИРА ЮСУБЖОНОВНА**

**НЕЧЕТКО-МНОЖЕСТВЕННЫЕ МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ УПРАВЛЕНИЯ  
ПРОЦЕССА ЭКСТРАКЦИИ НЕФТЕПРОДУКТОВ**

**05.01.08- Автоматизация и управление технологическими процессами  
и производствами**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за H2021.1.PhD/T404.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:	Сидиков Исмаилович Хасимович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Исмаилов Мирхалид Агзамович доктор технических наук, профессор Саидов Маматкарим кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится 15.01 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc-U3/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано № 138) (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 207-14-70).

Автореферат диссертации размещен 17.12 2021 года  
(реестр протокола размещен № 12 от 2 12 2021 года)



**П.Р. Юсуфбеков**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор, академик

**У.Ф. Мамаров**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

**Ж.У. Секинов**  
Заместитель председателя научного семинара  
при научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в последнее время вопросу энерго- и ресурсоэффективности нефтехимического производства уделяется всё больше внимания. В связи с этим, актуальной задачей в сфере автоматизации технологических процессов, в качестве приоритетного направления занимает создание высокоэффективных систем управления с применением достижений интеллектуальных технологий, позволяющих улучшить качество процесса управления и увеличить выпуск высококачественной продукции с наименьшими энерго- и ресурсозатратами. Определенные успехи в этом направлении достигнуты в ведущих странах мира, где уделяется пристальное внимание совершенствованию систем управления технологическими объектами, обеспечению конкурентоспособности продукции и эффективности производства.

В мире интенсивно ведутся научные исследования, направленные на совершенствование систем управления технологическими процессами, в частности, получение нефтепродуктов в нефтеперерабатывающих предприятиях с применением методов интеллектуальных технологий. Различные производственные процессы, в частности процесс экстракции нефтепродуктов, имеют сложный характер, подвержены различным внешним и внутренним воздействиям. Неопределенность и взаимозависимость технологических параметров подобных объектов затрудняет решение задачи управления технологическим процессом. В связи с этим особый интерес уделяется внедрению модернизированных систем управления на основе интеллектуальных технологий в процессе экстракции нефтепродуктов.

В Республике Узбекистан уделяется большое внимание в целом, автоматизации систем управления, и в том числе созданию систем усовершенствованного управления, обеспечивающих энерго- и ресурсосбережение в процессах переработки нефтепродуктов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечен ряд задач, в том числе: «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающие развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, ... сокращению энергоемкости и ресурсоемкости экономики, ... широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, повышение производительности труда в отраслях экономики, ... внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»<sup>1</sup>. В этом аспекте, для улучшения качественных показателей процесса переработки нефти, выявляется необходимость разработки алгоритмов моделирования и синтеза цифровых систем управления при экстракции нефтепродуктов.

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениями №ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» и №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

